# ХОНДРОАСК® Плюс

**Стимулятор регенерации тканей**

**«УТВЕРЖДЕНО»**
**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**
Государственное унитарное предприятие «Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники»

## ИНСТРУКЦИЯ ПО МЕДИЦИНСКОМУ ПРИМЕНЕНИЮ

Просим Вас внимательно прочесть данную инструкцию до того, как Вы начнете принимать лекарство. Она содержит важную для Вас информацию. Сохраните этот листок-вкладыш с информацией по применению, так как позднее Вам может потребоваться прочитать его еще раз. Для получения любой дополнительной информации или совета, пожалуйста, обратитесь к Вашему врачу или фармацевту.Ваш врач выписал данный лекарственный препарат Вам лично. Вы не должны передавать его другим лицам. Он может навредить им, даже если симптомы их заболевания схожи с Вашими.

**Торговое название препарата:** Хондроаск® Плюс
**Действующие вещества (МНН):** глюкозамина гидрохлорид, хондроитина сульфат.
**Лекарственная форма:** капсулы.
**Состав:**
***1 капсула содержит:***
*активные вещества:* глюкозамина гидрохлорид – 250 мг, хондроитина сульфат – 200 мг;
*вспомогательные вещества:* натрия крахмал гликолят, магния стеарат.
**Описание:** капсулы белого цвета №0. Содержимое капсул – порошок белого или белого со слегка желтоватым оттенком цвета.
**Фармакотерапевтическая группа:** Другие комбинации противовоспалительных препаратов. Стимулятор трофики тканей и регенерации.
**Код АТХ:** M01BX.

**Фармакологические свойства**
Стимулирует регенерацию хрящевой ткани. Глюкозамина гидрохлорид и хондроитина сульфат принимают участие в биосинтезе соединительной ткани, способствуя предотвращению процессов разрушения хряща и стимулируя регенерацию ткани. Введение экзогенного глюкозамина усиливает выработку хрящевого матрикса и обеспечивает неспецифическую защиту, в том числе от нестероидных противовоспалительных препаратов (НПВП) и глюкокортикостероидов (ГКС). Глюкозамина гидрохлорид обладает хондропротекторным и умеренным противовоспалительным действием.
Хондроитина сульфат, независимо от того, всасывается ли он в интактной форме или же в виде отдельных компонентов, служит дополнительным субстратом для образования здорового хрящевого матрикса. Стимулирует образование протеогликанов и коллагена типа II, а также защищает хрящевой матрикс от ферментативного расщепления (путем подавления активности гиалуронидазы) и от повреждающего действия свободных радикалов; поддерживает вязкость синовиальной жидкости, стимулирует механизмы репарации хряща и подавляет активность тех ферментов (эластаза, гиалуронидаза), которые расщепляют хрящ. При лечении остеоартрита облегчает симптомы заболевания и уменьшает потребность в НПВП.
При приеме Хондроаск® Плюс устойчивый лечебный эффект достигается в течение не менее 6 месяцев.
Глюкозамина гидрохлорид обладает хондропротекторными свойствами, снижает дефицит глюкозаминогликанов в организме, участвует в биосинтезе протеогликанов и гиалуроновой кислоты.

***Фармакокинетика***
При приеме внутрь 90% хондроитина сульфата всасывается из желудочно-кишечного тракта (ЖКТ). Максимальная концентрация в плазме крови отмечается через 3-4 часа, в синовиальной жидкости – через 4-5 часов. Биодоступность по отношению к синовиальной жидкости: для хондроитина – 13%, для глюкозамина – 25% (выражен эффект «первого прохождения» через печень). При распределении в тканях наибольшие концентрации обнаруживаются в печени, почках и суставном хряще. Около 30% принятой дозы длительно персистируют в костной и мышечной ткани. $T_{1/2}$ – 6-8 часов. Выводится преимущественно с мочой в неизмененном виде, частично – с калом.

**Показания к применению**
Комбинация глюкозамина и хондроитина рекомендуется детям, взрослым и пожилым лицам в комплексе лечения заболеваний опорно-двигательного аппарата и других состояний, сопровождающихся дегенеративно-дистрофическими изменениями тканей суставного хряща.
Применяется при:
- первичном и вторичном остеоартрозе I–III степени, остеопорозе, пародонтопатиях;
- плечелопаточном периартрите;
- остеохондрозе, спондилезе, хондромаляции надколенника;
- переломах (для ускорения образования костной мозоли);
- дегенеративно–дистрофических заболеваниях суставов и позвоночника.

***Информация о правильном применении***
**Способ применения и дозы**
*Всегда применяйте Хондроаск® Плюс точно в соответствии с рекомендацией Вашего лечащего врача. Если Вы в чем-либо не уверены, спросите у Вашего врача или фармацевта.*
Взрослым и детям старше 15 лет в течение трех первых недель препарат назначают по 2 капсулы 3 раза/сут; в последующие дни по 2 капсулы 2 раза/сут. Продолжительность лечения – 3-6 мес. При необходимости возможно проведение повторных курсов лечения, продолжительность которых устанавливают индивидуально. Препарат принимают внутрь, независимо от приема пищи, запивая небольшим количеством воды.

**Побочные действия**
*Как и любой лекарственный препарат, Хондроаск® Плюс может вызвать побочные реакции, хотя они проявляются не у каждого.*
В отдельных случаях возможны следующие побочные реакции:
*Со стороны желудочно-кишечного тракта:* редко наблюдаются диспепсия, ощущение незначительной тошноты, возможна боль в эпигастральной области, диарея, запор, метеоризм.
*Со стороны иммунной системы*: в редких случаях – аллергические реакции, включая гиперемию и сыпь на коже, зуд, крапивницу, ангионевротический отек.
*Со стороны кожи и ее структур:* выпадение волос.
*Со стороны нервной системы и органов чувств:* головная боль, общая слабость, сонливость, нарушения зрения.
Все перечисленные симптомы проходят после отмены препарата.
*Если у Вас отмечаются любые другие побочные реакции, не описанные в этом листке-вкладыше, пожалуйста, сообщите Вашему врачу, фармацевту или производителю.*

***Информация, необходимая до начала применения лекарственного средства***
**Противопоказания**
Не применяйте Хондроаск® Плюс в следующих случаях:
- повышенная индивидуальная чувствительность к любому из компонентов препарата (аллергические реакции),
- фенилкетонурия,
- выраженные нарушения функции почек,
- детский возраст до 15 лет,
- период беременности и лактации.

**Лекарственные взаимодействия**
*Пожалуйста, сообщите лечащему врачу или фармацевту о том, что Вы принимаете или недавно принимали какие-либо другие препараты, даже если они отпускаются без рецепта.*
При комбинированном применении усиливает всасывание из ЖКТ тетрациклинов и уменьшает всасывание пенициллинов и хлорамфеникола. Совместим с глюкокортикоидами.
Хондроаск® Плюс усиливает действия антиагрегантов, фибринолитиков, а также кумариновых антикоагулянтов (например, варфарина), что может вызывать повышение значений МНО (международного нормализованного отношения) и приводить к кровотечениям.
На фоне приема Хондроаск® Плюс снижается потребность в нестероидных противовоспалительных средствах.

**Особые указания**
Не превышать дозы, рекомендованной врачом. При различных формах пародонтопатий курс лечения следует продолжать не менее 3 месяцев.
Препарат с осторожностью следует назначать больным с сахарным диабетом, с бронхиальной астмой и со склонностью к кровотечениям. В начале лечения больным с сахарным диабетом целесообразно проводить контроль уровня сахара в крови.
***Применение в период беременности и кормления грудью***
Если Вы обнаружили, что беременны во время применения Хондроаск® Плюс, немедленно сообщите об этом Вашему врачу, так как только он может решить вопрос о необходимости продолжения лечения.
В связи с тем, что клинические данные об эффективности и безопасности применения препарата в период беременности и кормления грудью отсутствуют, препарат в этот период не следует применять.
***Влияние на способность управлять автомобилем или другими механизмами***
Прием препарата Хондроаск® Плюс не влияет на способность пациента выполнять работу, требующую повышенного внимания и быстроты психомоторных реакций.

**Передозировка**
*При приеме более высокой дозы, чем Вам назначено, немедленно обратитесь за помощью к врачу!*
Не описана и маловероятна. В случае передозировки рекомендуется симптоматическое лечение, промывание желудка.

**Форма выпуска**
По 10 капсул в контурной ячейковой упаковке. По 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 или 12 контурных ячейковых упаковок с инструкцией по применению в упаковке из картона.
По 10, 20, 30, 40, 50, 60 или 90 капсул во флаконе.

**Условия хранения**
В сухом, защищенном от света и недоступном для детей месте, при температуре от 15°С до 25°С.

**Срок годности**
3 года. Препарат не применять по истечении срока годности.

**Условия отпуска из аптек**
Без рецепта.

**Производитель:**
**Наименование и адрес организации, принимающей претензии (предложения) по качеству лекарственных средств на территории Республики Узбекистан**
ООО «NIKA PHARM», Республика Узбекистан, г.Ташкент, 7-проезд ул. Сайрам, дом 48-А.
Тел: +(99871) 1508668; Факс: +(99871)1508448.
www.nikapharm.uz

NIKA PHARM
фармацевтическая компания

Отзывы и пожелания от потребителей по качеству лекарственной продукции и информацию о каких-либо побочных действиях или об отсутствии эффективности лекарственного средства просим направлять по следующему адресу или сообщать по телефону:

Республика Узбекистан, г. Ташкент, 7-проезд ул. Сайрам, дом 48-А.
+(998 71) 150-87-04
+(998 71) 150-87-05
info@nikapharm.uz
www.nikapharm.uz

# XONDROASK® Plyus

To'qimalar regeneratsiyasini rag'batlantiruvchi

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**
«Дори воситалари тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази»
Давлат унитар корхонаси

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

Мазкур қўллаш бўйича йўриқномани диққат билан ўқиб чиқишингизни илтимос қиламиз, чунки Сиз дори воситасини қабулини бошлайсиз. Унда Сиз учун муҳим маълумотлар мавжуд. Қўллаш бўйича маълумотни тутувчи ушбу варақ-киритмани сақлаб қўйинг, чунки кейинчалик Сизда уни яна бир бор ўқиб чиқишга зарурат туғилиши мумкин. Илтимос, ҳар қандай қўшимча маълумот ёки маслаҳатни олиш учун ўзингизнинг шифокорингиз ёки фармацевтингизга мурожаат қилинг. Сизнинг шифокорингиз ушбу дори воситасини шахсан Сизга тайинлаган. Уни Сиз бошқа шахсларга берманг. Препарат уларга зиён етказиши мумкин, ҳаттоки уларнинг касаллик белгилари Сизники билан ўхшаш бўлса ҳам.

**Препаратнинг савдо номи:** Хондроаск® Плюс
**Таъсир этувчи моддалар (ХПН):** глюкозамин гидрохлориди, хондроитин сульфати.
**Дори шакли:** капсулалар
**Таркиби:**
***1 капсула қуйидагиларни сақлайди:***
*фаол моддалар:* глюкозамин гидрохлориди - 250 мг, хондроитин сульфати – 200 мг;
*ёрдамчи моддалар:* натрий крахмал гликоляти, магний стеарати.
**Таърифи:** №0 ўлчамли оқ рангли капсулалар. Капсула таркиби – оқ ёки бироз сарғиш тусли оқ рангли кукун.
**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Яллиғланишга қарши воситаларнинг бошқа комбинациялари. Тўқималар озиқланиши ва регенерациясини рағбатлантирувчи восита.
**АТХ коди:** М01ВХ.

**Фармакологик хусусиятлари**
Тоғай тўқимаси регенерациясини рағбатлантиради. Глюкозамин ва хондроитин сульфати бириктирувчи тўқима биосинтезида иштирок этади, тоғай тўқимасининг бузилиш жараёнларини олдини олади ва тўқима тикланишини рағбатлантиради. Экзоген глюкозаминнинг тўқимага киритилиши тоғай матрикси ишлаб чиқарилишини кучайтиради ва носпецифик ҳимояни, шу жумладан ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ) ва глюкокортикостероидлар (ГКС) дан ҳимояни таъминлайди. Глюкозамин гидрохлориди хондропротекторлик ва ўрта миёна яллиғланишга қарши таъсирга эга.
Хондроитин сульфати интакт ёки алоҳида унсурлар кўринишида сўрилишидан қатъий назар соғлом тоғай матриксининг пайдо бўлиши учун қўшимча субстрат бўлиб хизмат қилади. Протеогликанлар ва коллагеннинг II-турини ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради, ҳамда тоғай матриксини ферментатив парчаланишидан (гиалуронизадани фаоллигини босиш йўли билан) ва эркин радикалларнинг таъсиридан ҳимоя қилади; синовиал суюқлик ёпишқоқлигини таъминлайди, тоғайнинг репарация механизмини рағбатлантиради ва тоғайни парчалайдиган эластаза, гиалуронидаза ферментлар фаоллигини камайтиради. Остеоартритни даволашда касаллик белгиларини енгиллаштиради ва НЯҚВ га бўлган эҳтиёжни камайтиради.
Хондроаск® Плюс қабул қилинганда барқарор даволовчи самарага 6 ойдан кам бўлмаган муддатда эришилади.
Глюкозамин гидрохлорид хондропротектор хусусиятга эга, организмда гликозаминогликанлар танқислигини камайтиради, протеогликанлар ва гиалурон кислотасининг биосинтезида иштирок этади.

***Фармакокинетикаси***
Ичга қабул қилинганида хондроитин сульфатининг 90% меъда-ичак йўллари (МИЙ) дан сўрилади. Қон плазмасидаги максимал концентрацияси 3-4 соатдан сўнг, синовиал суюқлигида эса 4-5 соатдан кейин аниқланади. Синовиал суюқликка нисбатан биокираолишлиги: хондроитин учун - 13%, глюкозамин учун эса - 25% (жигар орқали «биринчи ўтиш» самараси ифодаланган). Тўқималарда тақсимланишида энг катта концентрациялари жигарда, буйракда ва бўғим тоғайида аниқланади. Қабул қилинган дозанинг тахминан 30% суяк ва мушак тўқимасида айланиб юради. $T_{1/2}$ - 6-8 соатни ташкил қилади. Асосан сийдик билан ўзгармаган ҳолда, қисман аҳлат билан чиқарилади.

**Қўлланилиши**
Глюкозамин ва хондроитиннинг мажмуаси болалар, катталар ва кекса ёшли шахсларда бўғим тоғайи тўқималарининг дегенератив-дистрофик ўзгаришлари билан кечадиган таянч-ҳаракат аппаратининг касалликлари ва бошқа ҳолатларни мажмуавий даволаш учун тавсия қилинади. У қуйидагиларда қўлланади:
- I-III-даражали бирламчи ва иккиламчи остеоартроз, остеопороз, пародонтопатиялар;
- елка-курак периартрити;
- остеохондроз, спондилёз, тизза қопқоғининг хондромаляцияси;
- синишлар (суяк қадоғи ҳосил бўлишини тезлаштириш учун);
- бўғимлар ва умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликлари.

***Тўғри қўлланилиши ҳақида маълумот***
**Қўллаш усули ва дозалари**
*Хондроаск® Плюс ни ҳар доим сизни даволаётган шифокорингиз кўрсатмаларига амал қилган ҳолда қўлланг. Агар сизда бирон нарсага ишончсизлик бўлса фармацевтга ёки шифокорингизга мурожаат қилинг.*
Катталар ва 15 ёшдан ошган болаларга биринчи 3 ҳафта давомида 2 та капсуладан суткада 3 марта, кейинги кунларда эса 2 та капсуладан суткада 2 марта буюрилади. Даволаш муддати 3-6 ойни ташкил қилади. Қайта даволаш курслари ўтказилишига зарурат бўлганда уларнинг давомийлиги индивидуал белгиланади. Дори воситасини овқат қабулидан қатъий назар кўп бўлмаган микдордаги сув билан ичиш керак.

**Ножўя таъсирлари**
*Ҳар қандай дори воситаси каби, Хондроаск® Плюс ҳам ножўя таъсир кўрсатиши мумкин, гарчи улар ҳар кимда учрамаса ҳам.*
Баъзи ҳолларда қуйидаги ножўя реакциялар кузатилиши мумкин:
*Меъда-ичак йўли томонидан:* кам ҳолларда диспепсия, бироз кўнгил айниши ҳисси, эпигастрал соҳада оғриқ, ич кетиши, қабзият, қориннинг дам бўлиши аниқланиши мумкин.
*Иммун тизими томонидан:* жуда кам ҳолларда – аллергик реакциялар, шу жумладан, терида қизариш ва тошмаларнинг пайдо бўлиши, терининг қичиши, эшакеми, ангионевротик шиш ривожланиши мумкин.
*Тери ва унинг ҳосилалари томонидан:* сочларнинг тўкилиши кузатилиши мумкин.
*Нерв тизими ва сезиш аъзолари томонидан:* бош оғриғи, умумий ҳолсизлик, уйқучанлик, кўришнинг бузилиши аниқланиши мумкин.
Келтирилган барча белгилар дори қабули тўхтатилгандан кейин йўқолади.
*Ушбу йўриқномада кўрсатилмаган бошқа салбий реакциялар сизда кузатилса, илтимос фармацевтга ёки шифокорингизга хабар қилинг.*

***Дори воситасини қабул қилишдан олдин билиш лозим бўлган маълумотлар***
**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**
Хондроаск® Плюс ни қуйидаги ҳолларда қўлламанг:
-препаратнинг ҳар қандай таркибий қисмига шахсий юқори сезувчанлик (аллергик реакциялар),
-фенилкетонурия,
-буйрак фаолиятининг яққол бузилишлари,
-15 ёшгача бўлган болалар,
-ҳомиладорлик ва эмизиш даври.

**Дориларнинг ўзаро таъсири**
*Илтимос, сизни даволовчи шифокорингизга ёки фармацевтга бошқа дори воситаларини қабул қилаетганингиз ёки яқин орада қабул қилганингиз тўғрисида хабар беринг, хатто рецептсиз бериладиган дори воситаси бўлса ҳам.*
Мажмуавий қўлланганида тетрациклинларнинг МИЙ дан сўрилишини кучайтиради, пенициллинлар ва хлорамфениколнинг сўрилишини эса сусайтиради. Глюкокортикоидлар билан бирга қўлланилиши мумкин.
Хондроаск® Плюс антиагрегантлар, фибринолитиклар, ҳамда кумаринли антикоагулянтлар (масалан, варфарин) нинг таъсирларини кучайтиради, бу эса халқаро меъёрлаштирилган нисбат (ХМН) кўрсаткичларининг ошишини чақириб, қон кетишларга олиб келиши мумкин.
Хондроаск® Плюсни қабул қилиш фонида ностероид яллиғланишга қарши воситаларга эҳтиёж камаяди.

**Махсус кўрсатмалар**
Шифокор томонидан тавсия этилган доза оширилмасин. Пародонтопатияларнинг турли шаклларида даволаш курсини камида 3 ой давом эттириш керак.
Қандли диабет, бронхиал астмага чалинган ва қон кетишларга мойиллиги бўлган беморларда дорини эҳтиётқорлик билан қўллаш керак. Қандли диабетга чалинган беморларда даволашнинг бошланишида қондаги қанд миқдорини назорат қилиш мақсадга мувофиқдир.
***Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўллаш***
Агар Хондроаск® Плюс билан даволаниш вақтида сизнинг ҳомиладорлигингиз маълум бўлса, дарҳол шифокорингизга мурожаат қилинг, чунки факат у даволанишни давом эттириш масаласини ҳал қилади.
Ҳомиладорлик ва лактация даврида препаратнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги тўғрисида клиник маълумотлар йўқлиги сабабли препаратни ушбу даврда қўллаш мумкин эмас.
***Транспорт воситаларини ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири***
Хондроаск® Плюс препаратининг қабули беморлардаги юқори диққат ва тез руҳий-ҳаракат реакцияларини талаб этувчи ишларни бажариш қобилиятига таъсир қилмайди.

**Дозани ошириб юборилиши**
*Сизга буюрилган дозадан юқорироқ доза қабул қилинганида дарҳол шифокорга мурожаат қилинг!*
Таърифланмаган ва эҳтимоли кам. Дозани ошириб юбориш ҳолларида симптоматик даволаш, меъдани ювиш тавсия қилинади.

**Чиқарилиш шакли**
Контур уяли ўрамда 10 тадан капсула. Бир, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 , 10, 11 ёки 12 та контур уяли ўрамлар қўллаш бўйича йўриқнома билан бирга картон қутига жойланади. Флаконда 10, 20, 30, 40, 50, 60 ёки 90 та капсуладан.

**Сақлаш шароити**
Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган ва болалар ололмайдиган жойда, 15$^{0}$С дан 25$^{0}$С гача бўлган ҳароратда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**
3 йил. Яроқлилик муддати ўтганидан сўнг қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**
Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи:**
**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**
«NIKA PHARM» МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Сайрам 7-тор кўчаси, 48-А уй.
Тел: +(99871) 1508668; Факс: +(99871)1508448.
www.nikapharm.uz

NIKA PHARM
Фармацевтик компания

Дори воситалари сифати ёки препаратнинг таъсир самарасизлиги тўғрисида истеъмолчиларнинг истак ва таклифларини қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Сайрам 7- тор кўчаси, 48-А уй
+(998 71) 150-87-05
+(998 71) 150-87-04
info@nikapharm.uz
www.nikapharm.uz